

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХИДИРОВ ХОЛМАМАТ ДЖЎРАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ СОҲАСИ: НАТИЖАЛАР ВА  
МУАММОЛАР (XX АСРДА СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертация доктора философии (PhD)**  
**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Хидиров Холмамат Джўраевич**

Ўзбекистонда транспорт соҳаси: натижалар  
ва муаммолар (XX асрда Сурхон воҳаси мисолида) ..... 3

**Хидиров Холмамат Джураевич**

Транспортная отрасль в Узбекистане: итоги и  
проблемы (на примере Сурхандарьи XX века) .....22

**Khidirov Kholmamat Djurayevich**

Transport sector in Uzbekistan: results and  
problems (On the example of Surkhan oasis in the XX century) .....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....45

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХИДИРОВ ХОЛМАМАТ ДЖЎРАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ СОҲАСИ: НАТИЖАЛАР ВА  
МУАММОЛАР (XX АСРДА СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Таг344  
рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tersu.uz](http://www.tersu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Саидов Илхом Мухиддинович**  
тарих фанлари доктор, профессор

**Раҳмонов Камол Жамолович**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот**

**Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. ТерДУ, 2-бино 4-қават, Мажлислар зали). Тел.: (99876) 223-13-11; e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй).Тел/факс: 03762217690

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.Т.Давлатова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д.,  
профессор

**Ҳ.Э.Холмўминов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.н, доцент.

**Ш.Б. Шайдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
т.ф.д.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари туфайли ўзаро интеграциялашув кучайиб, дунё мамлакатларининг иқтисодий юксалишига имкон яратмоқда. Мазкур ривожланиш даврида транспортнинг ўрни беқиёс бўлиб, логистика сервис хизматларидан кенгроқ фойдаланиш, ички ва ташқи коммуникация тизимини тараққий эттириш, инновацион лойиҳаларни қўллаш жаҳон миқёсида долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Чунончи, жаҳонда соҳага ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар томонидан транспорт ва трансмиллий йўллар, транспорт ва коммуникация, кемпинг хизмати борасидаги ютуқларни оммалаштириш долзарб вазифалардан саналади.

Дунёдаги йирик илмий тадқиқот марказлари жойлашган Буюк Британия, Франция, Россия, Япония, Корея давлатларида транспортнинг замонавий турларини яратиш, техник воситаларни мукамаллаштириш, техник хизмат кўрсатиш хизматини такомиллаштириш ва техник ходимларнинг психологик хизмат кўрсатиш қобилиятни ошириш масаласи доимий равишда ўрганиб келинмоқда. Хусусан, транспорт соҳасини модернизация қилиш, ёқилгини тежовчи моделларни яратиш ҳамда инновацион ғоялар асосида малакали мутахассисларни тайёрлаш, соҳа ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш каби йўналишларда олиб борилган тадқиқотлардан хулосалар чиқариш имконини беради.

Мустақиллик йиллари республикада транспорт тизимини модернизациялаш, хизмат турларини эркинлаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, хавфсизлик тизимларининг янги турларини яратиш борасида муҳим инновацион ўзгаришлар содир бўлди. Бу борада юқори малакали мутхассисларни тайёрлаш, замонавий хизмат учун ходимларни жалб этишга алоҳида аҳамият қаратилди. «Марказий Осиёни йирик денгиз портлари ва жаҳон бозорлари билан боғлаш имконини берадиган транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш биз учун устувор йўналиш бўлиши лозим»<sup>1</sup>. Ушбу тизимда олиб борилаётган ўзгаришлар жараёнида транспорт соҳасидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш асосида туризм алмашувларини йўлга қўйиш, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ички ва ташқи савдони кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ-5584-сон «Фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3589-сон «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 28 июндаги ПҚ-3815-сон «Ипак йўли» туризм Халқаро

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувидаги нутқи // <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-markazij-osiyo-davlatlari-rahbarlarining-maslahat-uchrashuvidagi-nutqi>

Университетини ташкил этиш тўғрисида», 2018 йил 27 ноябрдаги ПҚ-4035-сон «Автомобиль йўлларини куриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва шу соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мавзуга оид адабиётларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Россия империяси даврида яратилган асарлар; 2. Совет даври тадқиқотлари; 3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга оид асарлар асосан Россия империяси мустамлакачилиги даврида Сурхон воҳасига келган шарқшунослар, тарихчилар ва ҳарбий муҳандислар томонидан эълон қилинган мақола, рисола ва тўпламларни ўз ичига олади. Транспорт соҳаси, хусусан, темир йўл тарихи билан боғлиқ адабиётларни таҳлил этиш жараёнида Россия империяси хукмрон доиралари мустамлакачиликнинг илк йиллариданоқ Туркистон ўлкасидан империя иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган хом ашёни ташиб кетишни тезлаштириш ҳамда ўлкада ўзининг сиёсий ва ҳарбий таъсирини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратганлигини кузатиш мумкин<sup>2</sup>. Бу масалани ёритишда И. Гейер, С. Понятовский ва М. Фридманларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади<sup>3</sup>. Бундан ташқари, Н. Масальский, А. Дмитриев - Мамонов, М. Терентьев, А. Шахназаров, Н. Верховский, С. Конопко ва бошқаларнинг асарлари алоҳида ўрин тутди<sup>4</sup>. Бу асарларда XIX асрнинг иккинчи ярмида чоризм томонидан Ўрта Осиёнинг истило қилиниши даврида ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий ҳаётга оид воқеа-ҳодисалар акс эттирилган. Уларда Шарқий Бухоро тарихи, жумладан, транспорт тарихига оид масалаларга ҳам

<sup>2</sup>Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 гг. Из дневников члена посольства д-ра Яворского. Действительного члена Императорского Русского Географического общества. В двух томах. Том I, - СПб., 1882

<sup>3</sup> Гейер И.И. Путеводитель по Туркестану. Издание 1. Типо-литография В.М.Ильина. –Ташкент, 1901. Гейер И.И. Весь русский Туркестан. Издал С.Р.Конопко. –Ташкент, 1908. Понятовский С.К. К вопросу об учреждении мелкого дешевого кредита для хлопководов в Туркестане // Туркестанский сборник. – СПб, 1890. Фридман М.И. Финансовая реформа банков. //Баланс Русско-Азиатского банка на 1 сентября 1916 года // Финансовая жизнь – Москва, 1917. № 33-34.

<sup>4</sup> Масальский В. И.Хлопковое дело в Средней Азии. – СПб., 1892. Дмитриев-Мамонов А. И. Путеводитель по Туркестану и СреднейАзиатской железной дороге. – СПб., 1912. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. СПб., часть 1-3, 1906. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – СПб., 1908. Верховский Н.П. Хлопководство в Туркестане и перевозка хлопка по Ташкентской и Средней-Азиатской железным дорогам. – СПб., 1910. Юферьев В. И. Сельскохозяйственный обзор Туркестанского края. –Ташкент, 1911. Конопко С. Р. Туркестанский край. – Ташкент, 1912.

тўхталиб ўтилган.

Рус ҳарбий амалдори ва дипломати Д.Логофетнинг асарида Бухоронинг жанубий худудларини ўзлаштиришда транспорт тизимининг ўрни, Шарқий Бухорода йўл қурилишининг иқтисодий аҳамияти, Термиз почта-телеграф йўли очилишининг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, муаллиф Термизда темир йўл қурилиши орқали чегара истехкомларини мустақамлаш хусусида сўз юритган<sup>5</sup>.

Россиялик ҳарбий муҳандис А.Ананьевнинг рисоласида эса чоризмнинг ўлкада юритган сиёсатининг мақсад ва вазифалари аниқ кўрсатилган. Унда Россия манфаатларига хизмат қиладиган йўл ва темир йўллар лойиҳалари тўғрисида мулоҳазалар ва таҳлиллар берилган<sup>6</sup>.

Юқорида қайд этилган рисола ва тўпламларда Россия империясининг Ўрта Осиёга кириб келиши, транспорт тизимининг шакллантирилиши ҳақида қизиқарли ва қимматли маълумотлар келтирилган бўлса-да, бироқ улардаги фикрлар қисқа ва юзакидир. Шунга қарамасдан, мазкур асарлардан статистик маълумотлар олиш ва бу ердан Россия империясининг минтақада темир йўл қуришдан мақсадини аниқлаш мумкин.

Иккинчи гуруҳга оид адабиётларда Сурхон воҳасида транспорт тизимининг шаклланиши, унинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда тутган ўрни ҳақида илмий таҳлил ва маълумотлар келтирилади<sup>7</sup>.

1920–30 йилларда чоп этилган адабиётларда Россия империясининг ўлкада олиб борган сиёсати «мустамлакачилик» сифатида баҳоланиб, ушбу жараён билан боғлиқ масалалар совет ҳокимияти нуқтаи-назаридан ифодаланган. Бу даврда яратилган асарлар сирасига А.Асаткин, И.Севостьянов, А.Демидов, Е.Федоров, П.Галузо, В.Лаврентьев ва бошқа муаллифлар томонидан яратилган тадқиқотларни киритиш мумкин<sup>8</sup>.

XX асрнинг 50–80 йиллари давомида ҳам Россия империясининг Туркистондаги иқтисодий сиёсати ҳамда транспорт тизимининг пайдо бўлишини баҳоловчи кўплаб адабиётлар яратилди. Улардан, М.Рожкова, А.Аминов, П.Ковалев, М.Вексельман ва бошқаларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз<sup>9</sup>. Шунингдек, маҳаллий ишчи ва ходимларни тайёрлашга бағишланган

<sup>5</sup> Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. –СПб., 1912.

<sup>6</sup> Ананьев А. Г. Орошение Шерабадской долины водами реки Сурхана. – Ташкент, 1911.

<sup>7</sup> Кастальский Б.Н. Историко-географический обзор Сурханской и Ширабадской долин // Вестник ирригации. – Ташкент, 1930. – № 2, № 3. № 4; Лунин К. История города Термеза // Исторический журнал. – Москва, 1944, № 4.

<sup>8</sup> Асаткин А. Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики. –Ташкент, 1921. Севостьянов И. Хлопководство и хлопковая промышленность Туркестана. –Москва, 1921; Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана. –Москва, 1922; Федоров Е. Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. –Ташкент, 1925; Галузо П.Г. Вооружение русских переселенцев в Средней Азии (исторический очерк). –Ташкент, 1926; Юферьев В.И. Хлопководство в Туркестане. –Ленинград, 1925; Галузо П. Г. Туркестан – колония. –Москва, 1929; Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане (буржуазная колонизация Средней Азии). – Ленинград, 1930.

<sup>9</sup>Рожкова М. К. Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия. – Москва: АН СССР. 1947; Аминов А. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959; Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915–1917 гг. и её проявления в Туркестане. – Ташкент: Фан, 1974; Вексельман М.И. Российский монополистический и

айрим асарлар қиёсий-таҳлилий ва танқидий нуқтаи назардан ўрганилган<sup>10</sup>. Уларда Россия империясининг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати, унинг ўлка халқлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири атрофлича таҳлил қилинган. А.Аксенов, З.Аҳмаджонова, В.Суворов, Р.Шмидт, И.Ғафуржонова ва А.Яковлевнинг асарларида ҳам Ўрта Осиёга темир йўл тармоқларининг кириб келиши, темир йўл қурилиши билан боғлиқ лойиҳаларга рус капиталининг жойлаштирилиши, минтақага русийзабон аҳолининг кўчириб келтирилиши, Россия империяси ички ва ташқи савдосида темир йўлнинг тутган ўрни таҳлил қилинган<sup>11</sup>.

Темир йўл ва автомобиль транспорти соҳасида амалга оширилган ишларнинг натижалари, шаҳарлардаги транспорт тармоғининг ўзига хос томонлари М. Раҳимов, Н. Азизова, М. Алиқулов ва С. Турсуновларнинг илмий тадқиқотларида таҳлил этилган<sup>12</sup>.

Ушбу мавзуга тааллуқли маълумотлар шу йилларда чоп этилган статистик асарларда ҳам ўз аксини топган. Уларда Сурхон воҳасида транспорт тизимининг ривожланиши ва халқ хўжалиги тараққиётидаги ўрни қиёсий статистик усулларда кўрсатиб ўтилган<sup>13</sup>. Бироқ, мазкур манбалар коммунистик мафкура нуқтаи назаридан баён этилган бўлиб, уларда Совет ҳокимиятининг транспорт соҳасидаги ютуқлари Марказ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ижобий баҳоланган, мавжуд камчиликлар ҳақида фикр-мулоҳазалар берилмаган ёки юзаки қайд этилган.

Учинчи гуруҳ адабиётларга мустақиллик йилларида яратилган илмий адабиёт ва тадқиқотларни киритиш мумкин. Ушбу тадқиқотларда минтақа

---

иностранный капитал в Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1987.

<sup>10</sup> Народное образование, наука и культура в СССР. – Москва: Статистика, 1971; Насырходжаев С. Интеллигенция Узбекистана и её роль в строительстве коммунизма. – Ташкент: Узбекистан, 1972; Ўша муаллиф. Ўзбекистоннинг социализмга ўтиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972; Қорабоев С. Ўзбекистонда ленинча индустриаллаштириш тажрибасидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974; Хидоятлов Г. Национальный вопрос в СССР. – Ташкент: Узбекистан, 1991.

<sup>11</sup> Яковлев А. Экономические кризисы в России. – Москва, 1955; Аксёнов А. Строительство Оренбургско-Ташкентской железной дороги (1901-1905 гг.) // Ученые записки Оренбургского государственного педагогического института им. В.П.Чкалова. Серия историко-философская. Вып. 13. Оренбург, 1958; Гафурджанова И. Из истории строительства Ферганской железной дороги (1900-1917 гг.). – Ташкент, 1961; Суворов В. Социально – экономическое развитие Туркестанского края в конце XIX – начале XX в. в связи со строительством железных дорог. Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1963; Шмидт Р. Среднеазиатская железная дорога и ее влияние на социально-экономическую жизнь Туркестанского края 1880–1914 гг. – Ташкент, 1965; Ахмеджанова З. К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии. (1881-1917 гг.). – Ташкент, 1965.

<sup>12</sup> Рахимов М. История основания и развития социалистического города Бекабада (1942-65гг.). Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Ташкент, 1965; Азизова Н.Х. История основания и развития социалистического города Янгиюля (1934-65 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1973; Алиқулов. М. К истории развития социалистического города Термеза (1946-1975 гг.). Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Ташкент, 1979; Турсунов С. Н. История развития новых социалистических городов Узбекистана Денау и Шерабада. Автореф. дисс. кан. ист. наук. – Ташкент, 1985.

<sup>13</sup> Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. – Ташкент: Узбекистан, 1964. –С.379; Узбекистан за годы восьмой пятилетки (1966-1970 гг.). –Ташкент: ЦК КП Узбекистана, 1971. Узбекистан за годы девятой пятилетки (1971-1975 гг.). – Ташкент: ЦК КП Узбекистана, 1976; Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. – Ташкент: Узбекистан, 1974; Руководство компартии Узбекистана коммунистическим воспитанием масс. – Ташкент: Узбекистан, 1981; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985. –Ташкент: Узбекистан, 1986.



транспорт тизимида юз берган ўзгаришлар, соҳада амалга оширилган ислохотлар ва йўналтирилган лойиҳаларнинг бажарилиши, тизимдаги саноат комплексларининг ишга туширилиши ва маҳаллийлаштирилиши, замонавий таълим ва бошқарувдаги ўзгаришлар, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи таҳлил этилган<sup>14</sup>.

Бу даврга оид адабиётлар орасида Қ.Ражабовнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, мазкур тадқиқотларда Сурхон воҳасининг 1920–1930 йиллардаги транспорт тармоқлари тарихи атрофлича ёритиб берилди<sup>15</sup>. Профессор С.Турсуновнинг илмий асарларида Сурхондарё ҳудудида транспорт тизими тараққиёти ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади<sup>16</sup>. Шунингдек, Р.Холиқова, Э.Қобуловларнинг асарларида Бухоро амирлигида темир йўллар қурилиши учун қилинган ишлар таҳлил этилади<sup>17</sup>.

Умуман олганда, рус мустамлакачилиги ва совет ҳокимияти йилларида яратилган асарларда мавжуд сиёсий манфаатларини келиб чиқиб ёритилган. Сурхон воҳаси транспорт соҳаси тарихига доир махсус тадқиқотлар амалга оширилмаган. Бу эса танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АТД-1 “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: муносабатлар ва қарашлар” (2021-2015 йй.) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сурхон воҳасидаги транспорт тизимининг шаклланиши ва ривожланиш тарихини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

воҳада транспорт тизимини ривожлантиришдан кўзланган иқтисодий, ҳарбий-стратегик манфаатларнинг моҳияти ва транспорт тизимидаги ўзгаришларни очиб бериш;

тизимда малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг моддий-маиший турмуш тарзини илмий таҳлил асосида кўрсатиб бериш;

Россия империяси даврида ҳудудда транспорт тизимининг қурилиши ва ундан кўзланган мақсад ва манфаатларни таҳлил этиш;

---

<sup>14</sup>Ахметов Л., Горелкин А. Автотранспорт Узбекистана за 70 лет. – Ташкент: Мехнат, 1991; Первушин С. Об одной из глубинных причин кризисного состояния советской экономики. // Вопросы экономики. 1991, №8. 10; Зиядуллаев С. Экономические реформы в Узбекистане в действии. – Ташкент, 1994; Зайнутдинов Ш. Некоторые теоретические вопросы экономических реформ // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1997. № 5; Райзберг Б. А. Основы экономики и предпринимательства. – Москва: Просвещение, 1995; Арсенов В.И. Развитие транспортных систем. //БТИ. – Москва, 2001. Вып 77; Аликариев С., Кузиев А. Экономико-математическая модель задачи развития полигона транспортной сети и методика её решения // Сб. науч.трудов ТИИЖТ.-Ташкент, 2004; Алланов К., Абдуназаров Х. Развитие производительных сил Сурхан – Шерабадской долины Узбекистана // Проблемы освоения пустынь (Ашхабад). 2003. №1.

<sup>15</sup> Ражабов Қ. Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. –Тошкент: Университет, 2002.

<sup>16</sup> Турсунов С.Н. Қобилов Э. Муртазаев Б ва бошқалар Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ. 2004; Жарқўрғон. –Тошкент: Фан, 2008. –Б. 303; Денов.–Тошкент: Фан, 2009; Бойсун. –Тошкент: Академнашр. 2011.

<sup>17</sup> Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чоррахасида. –Тошкент: Ўқитувчи, 2005; Қобулов Э. Сурхон воҳаси ҳўжалиги. – Тошкент: Академнашр, 2012.

транспорт йўл қурилишлари соҳасида амалга оширилган ишлар ва унинг натижаларини очиб бериш;

совет даврида транспорт тармоқларини жадал ривожлантириш дастурлари, автомобиль ҳамда ҳаво транспорти соҳасидаги дастлабки натижалар, малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласини таҳлил этиш;

мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятда транспорт тизимидаги ўзгаришлар, йўл қурилиши ва қайта таъмирланиши, янги замонавий транспорт инфратузилмаси шаклланишини тадқиқ этиш;

воҳа транспорт тизимида юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни таҳлил қилиш;

транспорт тизими ходимларига нисбатан муносабат ва уларнинг моддий-маънавий турмуш тарзига таъсири ҳамда унинг натижаларини таҳлил қилиш;

тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхон воҳасида транспорт тизимининг шаклланиши, тараққиёти ва муаммолари белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Сурхон воҳасида транспорт тизимида амалга оширилган ишлар ва унинг натижалари, шунингдек, соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмуш даражасининг ҳолати билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий таҳлил, муаммоли-хронологик, ҳудудий-географик, статистик ва комплекс таҳлил ҳамда муаммовий ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Сурхон воҳасида транспорт тизими асосан йирик пахтакор районлари учун ички ва магистрал йўлларни қуришга жалб этилганлиги, тоғ ва тоғ олди ҳудуд йўлларига аҳамият берилмаганлиги, пахта ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини марказий саноат корхоналарига тез ва арзон етказиш учун автомобиль воситаларидан фойдаланилганлиги, лекин соҳани модернизация қилиш талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли иш унумдорлиги паст даражада қолганлиги исботланган;

замонавий транспорт тизимининг воҳага кириб келиши ва ривожланишига Россия-Англия, Совет-Афғонистон ўртасидаги минтақавий кураш шароити сабаб бўлганлиги, маблағлар ажратилиб темир йўл, дарё ва ҳаво транспорти ривожлантирилганлиги, бу эса ички ва ташқи савдони ривожлантиришда транспорт тизими иштирокини таъминлаш учун имконият яратганлиги далилланган;

мустақиллик йилларида воҳада транспорт тизимининг тубдан ўзгариши натижасида жаҳон андозаларига жавоб берувчи замонавий транспорт воситалари олиб келинганлиги, тизимда чет эл инвестициялари асосида қўшма корхоналарнинг очилиши мазкур ҳудудда йўл қурилиши ва транспорт хизмати сифатининг яхшиланишига туртки бўлганлиги аниқланган;

соҳада малакали мутахассисларни тайёрлаш, муҳандис-техник ходимларнинг касбий тажрибасини ошириш, замонавий транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалиётга жорий этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, моддий ва маънавий

турмушини юксалтириш, транспорт ишчи-ходимларини малакали мутахассис сифатида қайта тайёрлаш ишлари мустақиллик йилларида амалга оширилганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиё масаласида Россия-Англия рақобатининг кучайиши натижасида транспорт тизимининг воҳага кириб келиши, ҳам ашё бойликларининг ташиб кетилиши, Россиянинг Ҳинд океанига тўғридан-тўғри чиқиш мақсадлари умумлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган;

Совет-Афғонистон чегараларини назорат қилиш, Термиз-Бухоро-Тошкент темир йўл линияларини бир – бири билан боғлаш, Қобулга уюштириладиган ҳарбий-стратегик юришда темир йўлнинг қурол-яроғ ва ҳарбий қисмларни етказиб беришдаги имкониятлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унда ишончли тарихий манба ва архив материалларидан фойдаланилганлиги, диссертация асосий натижаларининг Республика ва чет эл нашрларида эълон қилинганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиб, ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти Ўзбекистон транспорт соҳасидаги натижалар ва муаммолар Сурхон воҳаси мисоли бўйича илк бор илмий хулосаланиб, соҳа тарихига доир маълумотларни бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, Ўзбекистонда транспорт тизими билан боғлиқ таҳлилий маълумотларни тайёрлаш, ўрта ва олий таълим муассасаларида соҳа тарихига доир махсус курсларни ўқитиш, ўқув қўлланмалар, монографияларни яратиш, шунингдек, илмий-амалий лойиҳаларни бажарилишда фойдаланиш мумкинлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхон воҳасида транспорт соҳаси тарихини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

совет ҳокимияти йилларида Сурхон воҳасида ички йўллар қурилиши учун зарур бўлган маблағлар етарлича ажратилган бўлса-да, магистраль йўллар асосан пахта етиштириладиган ҳудудларда қурилиб, тоғ ва тоғ олди қишлоқларига аҳамият берилмаганлиги туфайли уларни муҳим транспорт коридоридан узилиб қолганлигига оид манбалардан Термиз давлат музей-қўриқхонасининг чор Россияси, совет даври ва мустақиллик йилларига оид кўргазмалар заллари фондларини бойитишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 15 июндаги 04-12-04-2939-сон маълумотномаси). Натижалар музей экспозицияларини илмий ва амалий жиҳатдан бойитилиши ҳамда Сурхон воҳасида транспорт тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланишига ҳақида янги маълумотлар олишга имкон берган;

Россия империясининг Сурхон воҳаси транспорт тизимини ривожлантириш асосида Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистонни босиб олиш, Ҳинд океанига чиқиш, воҳа табиий бойликларини кўпроқ ташиб кетишга

интилганлиги, воҳа транспорт тизимининг ўзига хос ривожланиши бўйича тўпланган маълумотлардан «Ўзбекистон тарихи» телеканалининг «Тақдимот» кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 20 мартдаги 02-10-622-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари асосида телетомошабинларга транспорт соҳаси фаолияти бўйича объектив маълумотлар етказилиб, аҳоли, айниқса, ёшларда тарихий онг ва дунёқарашни оширишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари жами 13 та илмий-амалий конференцияларида, шу жумладан, 9 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, 1 та монография (хаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан асосий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, чет эл нашрларида 3 та мақола, халқаро конференцияларда 9 та, республика журналларида 7 та, илмий анжуманларда 4 та мақола нашр қилинган.

**Диссертациянинг умумий ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 137 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот учун мавзунинг долзарблиги, ишнинг даврий чегаралари, муаммонинг ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, манбавий асослари, илмий янгилиги асослаб берилган. Шунингдек, диссертациянинг назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, илмий натижалар ва тадқиқот апробацияси тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Сурхон воҳасида транспорт тизимининг шаклланиши ва унинг иқтисодий-сиёсий аҳамияти**» деб номланади. Унинг «**Сурхон воҳасида темир йўл транспортининг шаклланиши ва илк тараққиёт босқичлари**» деб номланувчи биринчи параграфда Сурхон воҳасида транспорт тизимининг шаклланиши ва ривож топиши таҳлил қилинади. Ўзбекистонда дастлабки темир йўл 1881–1888 йилларда Закаспий темир йўлининг Фороб станциясидан бошлаб то Самарқандгача қурилган эди. Ушбу темир йўл подшо Россияси томонидан империянинг жанубий чегараларини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Россия ташқи ишлар вазири А.П.Извольский томонидан 1910 йил 30 январда Россия императори Николай II номига ёзилган 2619/131–сонли хатида бир қатор масалалар ўртага қўйилган. Биринчиси, Туркистон масаласида келажакда Россия, Англия ва Афғонистон ўртасида юз бериши мумкин бўлган тўқнашувларнинг олдини олиш, иккинчиси, Россиянинг келгусида Ҳинд океанига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятларини яратиш, учинчиси, Бухоро–Афғонистон чегараларини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилган. Шу мақсадда

Бухородан Термизгача темир йўл линиясини қуриш ва Ўрта Осиё темир йўл тармоқларини Москва тармоғига улаш лозимлиги уқтирилган<sup>18</sup>.

Россиянинг бевосита тазйиқи билан 1910 йил 10 апрелда Бухоро амири Абдулахадхон бунга розилик билдирди ва Бухородан Термизгача темир йўл қурилиши тўғрисида қарор Россия ҳукуматининг кенгашида қабул қилинди<sup>19</sup>.

1912 йил 15 июнда Бухоро амири Россиядаги йирик корхона эгаси, темир йўл инженери А.Н.Ковалевский билан темир йўл қурилиши ҳақида якуний шартномани имзолади. 1913 йил январида Ковалевский томонидан «Бухоро–Термиз темир йўлини қуриш акционерлик жамияти» таъсис этилди<sup>20</sup>. Бухоро–Термиз темир йўл қурилишига 1913 йил рухсат берилди. 1914 йил бошида мутахассис–муҳандислар Сурхон воҳаси ҳудудида темир йўл қуриш бўйича тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар. Бухоро–Термиз темир йўл қурилишида нафақат рус мутахассислари, балки чет эллик, хусусан, Италия, Австриядан келган мутахассислар ҳам иштирок этишди.

Қурилишнинг асосий ишчилари маҳаллий аҳолидан иборат эди. 1915 йил июнь ойида биринчи тоннел битказилди, 1916 йил 16 июнга келиб, узунлиги 573 верст бўлган Когон–Самсоново–Термиз темир йўл йўналиши ишга туширилди<sup>21</sup>. Ишга туширилган ушбу темир йўл Россияни Ҳинд океанига чиқишдек ҳарбий-иқтисодий стратегиясининг амалий натижаси бўлиб, келажакда Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистонни эгаллаш, Шарқда Россия мустамлакасини мустаҳкамлашга замин ҳозирлар эди. Шунингдек, бу йўл Сурхон воҳасини рус саноати учун узоқ йиллар арзон хом ашё манбаига айлантириш ҳамда унинг табиий бойликларини ташиб кетиш учун хизмат қилиши лозим эди.

Фуқаролар уруши туганидан сўнг мамлакатда вайрон бўлган темир йўл тармоғини тиклаш учун зарурий чоралар кўрилди. Жумладан, Ўрта Осиё Республикаларида ягона темир йўл узелини барпо этиш масаласига алоҳида эътибор берилди. Шу мақсадда 1925 йилда Амударё (Самсоново) –Термиз темир йўл линияси ишга туширилди. 1929–1932 йилларда узунлиги 248 км бўлган Термиз–Душанбе темир йўл тармоғи қурилиб, Ўзбекистон темир йўл тармоғига уланди.

Биринчи бобнинг «**Транспорт тармоқларининг воҳа иқтисодиётидаги аҳамияти**» деб номланган иккинчи параграфиди вилоят иқтисодиётида сув, темир йўл ва ҳаво транспортларининг тутган ўрни илмий жиҳатдан таҳлил этилади.

Қадим замонлардан бошлаб сув транспорти воҳа хўжалигида муҳим ўрин тутган. Бунини ўз вақтида чор маъмурлари ҳам инобатга олишган эди. Амударё бўйларида рус ҳарбий шаҳарчаларининг барпо қилинишида авваламбор уларни сув транспорти орқали боғлаб туриш кўзда тутилган эди. Шу мақсадда 1888 йили Амударё ҳарбий флотилияси ташкил қилинди. Петро-Александровск (ҳозирги

<sup>18</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. И 303-фонд, 2-рўйхат, 159-иш, 12-варақ.

<sup>19</sup> Турсунов С Н., Саидов Б. Термиз йилномаси. –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.22.

<sup>20</sup> Турсунов С Н., Саидов Б. Термиз йилномаси. – Б.23.

<sup>21</sup> Турсунов С, Қобилов Э, Муртазаев Б. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 210.

Тўрткўл) дан Каркига қадар «Царь» ва «Царица» пароходлари ҳамда «Петербург» ва «Москва» баржалари қатнай бошлади<sup>22</sup>.

Гарчи Амударё флотилияси ҳарбий мақсадни кўзлаб ташкил қилинган бўлса-да, у савдо-сотик ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бу ҳақда Туркистон генерал-губернатори шундай деганди: «Амударё флотилиясининг ташкил этилиши бизнинг Амударёга бўлган тўла ва ажралмас ҳукмронлигимизни ҳар кимга ва барчага англадиб туради»<sup>23</sup>.

1894 йилнинг август ойида Чоржўйдан Термизга биринчи катерлар гуруҳи почта ва юкларни кўриқлаш учун келди. Шунда улар Сурхондарёнинг ичкарасига икки километр сузиб, ўзларининг қароргоҳларини ташкил қилдилар. Кеч кузда Сурхон дарёсида сув камайганлиги сабабли қароргоҳ қуруқликда қолиб кетди. Шу боис 1896 йилга келиб қароргоҳ Амударё бўйига кўчирилди. Амударёда сув транспорти ривожланиши билан Хўжайли ва Термиз шаҳарларида кемаларни таъмирлаш учун катта устахоналар қуриб ишга туширилди.

Кемаларнинг техник ва эксплуатация хизматларини ошириш мақсадида уларни қайта ускуналаш ва таъмирлаш бўйича катта ишлар олиб борилди. 1950 йилларда Термиз дарё порти янги ускуналар билан таъминланди. Бундан кейин юкларни тўғридан-тўғри темир йўл ва сув транспорти орқали ташиш мумкин бўлиб қолди. Натижада юк ташиш 282 минг тоннага етди, портда қўл меҳнати кўп талаб қиладиган юклар сони камайиб, комплекс механизация ёрдамида 243 минг тонна юк кемаларга ортилди<sup>24</sup>.

Совет ҳокимияти ўз тузумининг афзалликларини яққол намоён этиш мақсадида транспорт воситаларидан кенгроқ фойдаланарди. Жумладан, «Агитпоезд» деб аталувчи махсус поездлар ташкил этилиб, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ва оммавий-ташкилий ишларини олиб борар эди<sup>25</sup>.

Сурхондарё вилоятида транспорт соҳаси бўйича муҳандис-техник ходимларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бериб келинди. 1972 йилда ташкил топган Тошкент автомобиль ва йўллар институти Ўзбекистон транспорт тизими учун зарур бўлган 12 йўналиш бўйича олий маълумотли мутахассисларни тайёрлай бошлади. Бундан ташқари, транспорт соҳасига зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида 1945 йилда Қўқон, 1965 йилда Нукус, 1969 йилда Бухоро, 1981 йилда Урганч, 1986 йилда Тошкент автомобиль ва йўллар техникумлари ташкил қилинди<sup>26</sup>.

Сурхондарё ҳаво транспорти ҳам ўз ривожланиш тарихига эга. Сурхондарё вилоятида дастлабки аэропорт 1943 йили Термизда барпо этилган ва шу даврдан бошлаб йўловчи ташиш ишлари амалга оширилган. 1952 йилдан

<sup>22</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви. 33-фонд, 32-рўйхат, 12-иш, 12-варак.

<sup>23</sup> Кабулов Э.А. Место долины Сурхан в торговых сношениях России с восточными странами // Universum: общественные науки: электронный научный журнал. 2015. № 1-2 (12). – С. 9.

<sup>24</sup> Турсунов С., Қобилов Э, Муртазаев Б. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 381.

<sup>25</sup> Ахметов Л, Горелкин А. Автотранспорт Узбекистана за 70 лет. –Тошкент: Мехнат, 1991. – С.282.

<sup>26</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 70-фонд, 1-рўйхат, 56-иш, 69-варак.

бошлаб мунтазам йўловчи ташиш рейслари ташкил этилиб, кунига бир марталик қатнов йўлга қўйилади<sup>27</sup>. Термиз аэропортида янги хизмат кўрсатиш ҳудудлари ташкил этилди, самолётларнинг учиб масофаси кўпайди. Масалан, 1940 йилда Термиз аэропортидан 9,2 минг километр учиб амалга оширилган бўлса, 1975 йилга келиб бу рақам 58,3 минг километрга етди<sup>28</sup>.

Халқ хўжалиги юкларини ташиш ва қишлоқ хўжалигига хизмат қилиш натижасида авиация муҳим тармоққа айланди. Хусусан, Термиз аэропортидан 1940 йил 2,6 минг тонна, 1965 йил 42,5 минг тонна, 1970 йил 41,1 минг тонна, 1973 йил 46,1 минг тонна, 1975 йил 51,6 минг тонна юк самолётлар ёрдамида ташиб берилди<sup>29</sup>. 1975 йили Ўзбекистон фуқаролик авиацияси ҳудудий бошқармасининг Термиз авиация отрядида юк ташиш бўйича ярим йиллик режасини 103 фоизга, йўловчи жўнатиш режасини 118,4 фоизга бажарди. Авиахизмат Термиз – Москва, Термиз – Андижон–Олма–Ота, Термиз–Ашхобод–Минводи, Боку–Термиз–Душанбе, Термиз – Самарқанд – Наманган – Фарғона, Термиз–Самарқанд–Андижон йўналишлари бўйлаб амалга оширилди. Аммо совет давлатининг инқирозга учраши бу тармоққа салбий таъсир кўрсатди. 1991 йили Термиз аэропортида 97,2 минг йўловчига авиахизмат кўрсатилиб, ҳаво транспорти орқали юк ташиш режаси 79,5 фоизга бажарилди<sup>30</sup>.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Россия империяси ва Совет ҳукуматининг транспорт соҳасида ўтказган сиёсати хом ашё манбаларини тайёрлаш ва Марказий саноат корхоналарига жўнатишдан иборат бўлганлиги илмий манбалар асосида ҳолисона таҳлил қилинди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Транспорт тизимида автомобиль ва йўл қурилиши тараққиёти ҳамда унинг халқ хўжалигидаги ўрни**» деб номланади. Унинг «**Автомобиль транспорти соҳасининг шаклланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни**» деб номланган биринчи параграфда Сурхон воҳасида автомобиль транспортининг ривожланиши илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Автомобиль унча узок бўлмаган масофалар учун фойдаланишда энг қулай транспорт тури ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, Сурхон воҳасида автомобиль транспортининг ривожланиши учун зарур бўлган йўллар қурилишига алоҳида эътибор берилди. 1940 йилда Республика ҳукуматининг қарори билан узунлиги 708 км бўлган Тошкент–Термиз («Катта Ўзбек тракти») автомобиль йўлини қуриш бошланди. 4 ой мобайнида мазкур қурилиш ишлари тугатилди. Унинг 376 км ни Тошкент, 222 км йўл Самарқанд, 162 км ни эса Бухоро вилояти йўл қурувчилари қуриб фойдаланишга топширдилар<sup>31</sup>. Урушдан кейинги 1945–1949 йилларда автотранспортда юк ва пассажирлар ташиш ҳажми ўсди. Шу йилларда республикага 9548 та янги юк автомобиллари келтирилди.

<sup>27</sup> Турсунов С.Н., Саидов Б., Термиз йилномаси. – Б.28.

<sup>28</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 году. –Ташкент: Узбекистан, 1976. – С. 233.

<sup>29</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 году. – С. 233.

<sup>30</sup> «Сурхон тонги» газетаси. 1991 йил 5-декабр, № 186. – Б. 2.

<sup>31</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 19-варак.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги халқ хўжалигини тиклаш йилларида автобусда йўловчи ташишга эътибор ошди. Вилоятда дастлабки янги маркали транспорт турлари пайдо бўлди. Аммо аҳолига автобус хизмати кўрсатиш қониқарсиз аҳволда бўлиб, фақат Термиз, Денов шаҳарларида иккитадан автобус хизмат қилар эди<sup>32</sup>. Сурхондарёда автобус хизмати аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1,3 фоизни ташкил этиб<sup>33</sup>, совет давлатида энг охириги ўринлардан бирида турар эди.

1950–60 йилларда Ўзбекистон аҳолисига автобус хизмати маълум даражада яхшиланди. 1955 йили Термиз шаҳрида Ўзбекистон автомобиль транспорти ва шоссе йўллар вазирлиги тасарруфидаги «Сурхондарётранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил қилиниб<sup>34</sup>, ЗИС маркали автобуслар келтирилди.

Жанубий ҳудудларда ташкил этилган пахтачилик районларида автобус хизмати йўлга қўйилиб, янги йўналишлар очилди. Қизирик, Бандихон, Гагарин, Қумқўрғон ва Олтинсой автобус йўналишларига қатнов ташкил этилди. Автобус бекатлари Шеробод, Бойсун, Комсомолобод (ҳозирги Халқабод), Жарқўрғон, Учқизил, Сариосиё туманларида марказлаштирилган ҳолда қуриб ишга туширилди. «ЛАЗ», «ПАЗ» автобуслари, «ГАЗ-24» енгил автотаксилар хизмати йўлга қўйилди. 1980 йилларда автотранспорт воситаларида йўловчи ва юк ташиш ҳажми ортди. Вилоятда 1981 йилда юк обороти 1980 йилга нисбатан 13 фоизга ўсди ёки жами 686,8 минг тоннани ташкил этди. Йўловчи обороти эса 1980 йилдагига қараганда 9 фоизга ошди ёки жами 636,9 йўловчи км ни ташкил қилди<sup>35</sup>.

Бироқ Сурхон воҳаси тоғ қишлоқлари аҳолисига транспорт хизмати яхши йўлга қўйилмаган эди. Йўналишлар аҳоли эҳтиёжини таъминлай олмаганлиги натижасида йўловчи транспорти қониқарсиз ҳолатда эди. Шахсий транспорт воситалари билан йўловчи ташиш хизмати қатъиян тақиқланган эди. Шу сабаб, Сурхондарё вилоятида автобус ва такси хизмати аҳоли сонига нисбатан атиги 21 фоизни ташкил этди.

Қайта қуриш даврида Ўзбекистонда бўлгани каби, Сурхондарё вилоятида транспорт тизими ҳам инқирозни бошидан кечирди. Техник таъминот етказиб беришнинг издан чиқиши туфайли транспорт корхоналари ва бирлашмалари ўз олдига қўйган вазифаларни бажара олишмади. Сурхондарё вилоятида мавжуд 50 та автомобиль транспорт бошқармалари 1985–1987 йилларда давлат режасини 78,3 фоизга уддаладилар, холос. 1990 йилда Сурхондарё вилоятида жами 3,6 миллион тонна юк ташилди. Аммо бу белгиланган режадагидан анча кам эди. «Совавто-Термиз» автокорхонаси ҳам белгиланган режаларни бажара олмади<sup>36</sup>.

<sup>32</sup> Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. –Ташкент: Узбекистан, 1964. – С. 240.

<sup>33</sup> Ўша жойда. – С.248.

<sup>34</sup> Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий маданияти // Республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент: Iрак уо'ли poligraf МЧЖ, 2011. –Б. 202.

<sup>35</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 44-варақ.

<sup>36</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 36-варақ.



Чунки ушбу корхона моддий-техник таъминотини Москвадаги Махсус Транспорт вазирлигидан олар, инқироз туфайли таъминотда узилиш бўлган эди. Шундай қилиб, Сурхондарё транспорт ва йўл қурилиши воситалари 1980 йилларнинг охирида жуда катта муаммоларга дуч келди<sup>37</sup>.

Вилоятдаги транспорт ташкилотлари 1989 йилда 101,5 минг автобус рейси, 1990 йилда 113,5 мингта автобус рейсларини бажара олмади. Ўрта ҳисобда ҳар куни 327 автобус рейслари амалга оширилмади<sup>38</sup>. Сурхондарё вилоятида 1991 йилда автотранспортлардан фойдаланиш коэффициенти 1989 йилга нисбатан 4,0 фоизга тушиб кетди. 8940 сафар автобус ва 2580 марта енгил такси йўлга чикмади. 1988-1990 йилларда автобуслар сони 1800 дан ортик бўлган, 80 та автобус олинмай қолган<sup>39</sup>.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи «Транспорт тизимида йўл қурилишининг аҳамияти» деб номланади. Унда вилоятдаги йўл қурилишининг аҳволи таҳлил қилинади. 1920–30 йилларда Сурхон воҳасида аҳоли орасидаги транспорт алоқалари тупроқли йўллар ва сўқмоқлар орқали, араваларда бажарилар эди. Бундай аҳвол 1932 йилгача давом этди. Пахта етиштириш ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бориши натижасида йўл қурилиш ишларига ҳам эътибор қаратилди. 1930 йилда Тўполанг дарёси устида узунлиги 150 м бўлган кўприк қурилди. Сариосиё, Денов, Шўрчи, Жарқўрғон туманларини бирлаштирадиган шох йўл қуриб битказилди. 1935–1936 йиллари шу йўлдан от аравалар, туяларда Душанбе шаҳрини қуриш учун ғишт ташилди<sup>40</sup>.

Сурхон трактини қора шағал йўлига айлантириш 1956 йилда бошланди. Термиз–Шеробод йўли 1960 йилда, Қашқадарёнинг чегарасигача бўлган йўллар 1964 йилгача қора-шағал йўлига айлантирилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон халқ хўжалигида транспорт тармоқларининг ўрни ва аҳамияти ошиб борди. Транспорт тараққиёти учун асфальт йўллар қурилиб, ишга туширилди<sup>41</sup>.

